



Ватанимиз тарихининг 1498 - 1610 йиллар даври воқеаларини ақс эттирувчи «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) асари XV аср иккинчи ярми ва XVI аср биринчи чорагида яшаб, ижод қилган ўрта осийлик муаррих Муҳаммадёр ибн Араб Катаган каламига мансуб бўлиб, унда кўчманчи ўзбеклар хони Шайбонийхон ва унинг Дашти Кипчок, Ўрта Осий ва Хуросонда ҳукм юргизган аждод ва авлодлари, жумладан, «қурувчи хон» лақабини ҳам олган Абдуллахон II нинг ҳарбий юришлари ҳамда давлатчилик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ушбу асарда Бобур ва бобурийлар, бадахшонлик темурийлар ва уларнинг шайбоний, аштархонийлар сулоласи вакиллари ҳамда сафавийлар давлати билан сиёсий-ҳарбий муносабатлари ҳам ёритилган.

Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил БЕКЖОНОВ,
Дилором САНГИРОВА

МУСАХХИР АЛ-БИЛОД» АСАРИ ВА УНИНГ» МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Улуг ватанимиз ўтмиши турли-туман ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларга бой бўлиб, халқимизнинг ана шундай улкан тарихи олим-фозил аждодларимиз томонидан ўз даврида каламга олинган ва бундай ёзма манбаларнинг ақсарият қисми бизгача ҳам етиб келган. Ҳозиргача улардан айримлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, ўзбек ва бошқа тилларда нашр қилинган. Айниқса, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бу сингари тарихимизга оид ёзма манбаларни ўрганишга кенг имконият яратилди. Энди фақат бу борадаги интилиш ва ташаббус илмий-тадқиқот марказлари мақсад ва вазифаси, ўз ватани тарихига қизиқувчи тадқиқотчиларнинг ҳимматига боғлиқ бўлиб қолди.

XVI аср иккинчи ярмида тугилиб, XVII биринчи ярми охирида вафот этган юртдошимиз Муҳаммадёр ибн Араб Катаган каламига мансуб ва форс тилида битилган «Мусаххир ал-билод» асари ҳам иккита қўлёзма нусхада бизгача етиб келган ана шундай ёзма манбалардан саналади. Бу асарни ўрганиш ва уни ўзбек ёки рус тилида, ҳеч

бўлмаса ўша холича нашр этиш ахамияти хакида куюниб гапирган тарихчи олим, академик Бўрибой Ахмедов таъкидича, «Мусаххир ал-билод» фактик ва комусий маълумотларга бой асар бўлиб, бизгача етиб келган бошка ёзма тарихий манбалар материалларини аниклаштириш, ўрни-ўрни билан уларни тўлдиришда ҳам кўл келувчи мухим манбадир.

Яқинда «Мусаххир ал-билод» Техронда нашр этилди ва эндиликда унинг ўзбек тилига таржимаси ҳам эътиборингизга хавола қилинмоқда. Бу асар тузилиш усули, боблари мазмуни ва ахамияти хакида гапириш ҳамда китобхонни мазкур ёзма манбанинг ўзбек тилидаги нашри билан таништиришдан олдин «Мусаххир ал-билод»нинг кўл ёзма нусхалари, уларнинг ўрганилиш даражаси ва форсча нашри хакида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

«Мусаххир ал-билод»нинг кўл ёзма нусхалари

Модомики, гап ёзма манба устида бораркан, дастлаб, унинг бизга маълум кўл ёзмалари хакида фикр билдиришга тўғри келади. Чунки, уларнинг айрим хусусиятларини ўрганмасдан туриб, асар маълумотлари тўғрисида аник ва тўлақонли назар бидириш кийин бўлади. Масалан мазкур «Мусаххир ал-билод» асарининг УзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шакшунослик институти кўл ёзмалар фондидаги 1505 ракам остида сакланувчи нусхаси (шартли равишда Тошкент нусхаси) тўлик бўлмай, уни куйида сўз юритмокчи бўлганимиз Россия ФА Шаркшунослик институти Санкт-Петербург бўлими кўл ёзмалар фондидаги С-465 нусхаси билан солиштирганда, Тошкент нусхасида асарнинг Мукаддимаси бутунлай ва Биринчи бобнинг биринчи кисми ҳамда Учинчи бобнинг Жонибек султон авлодлари, жумладан, Абдуллохон хаётига доир маълумотларни камараган 240 бетлик хажмдаги кисми бизгача етиб келмагани маълум бўлади. Шунингдек, нисбатан тўларок саналган Санкт-Петербург нусхаси ҳам ноқис бўлиб, бу нусхада Мукаддимада кўрсатиб ўтилган Тўртинчи бобнинг каттагина кисми ҳамда Бешинчи ва Олтинчи боб маълумотлари умуман мавжуд эмас. Ундан ташқари Тошкент кўл ёзма нусхасида мавжуд айрим маълумотлар матни Санкт-Петербург нусхасида узилишга учраган. Демак, аёнки, шу ноқис кўл ёзма нусхаларга асосланган тадқиқотчилар бу жихатларни ўрганмай, асар ва ундаги маълумотлар борасида тўлақонли фикр билдиришлари анча кийин кечади. Шу сабабли, гарчи, асарнинг Тошкент кўл ёзма нусхасида мавжуд эмас китоб номи ва унинг муаллифи хакидаги маълумотлар Санкт-Петербург нусхаси бўйича аникланган бўлса-да, кўл ёзманинг китобат қилиниш ва матн хусусиятлари каби жихатлари жиддий ўрганилмагани боис асарнинг муаллиф томонидан тўлик ҳолатда ёзилган-ёзилмагани масаласи, кўлимиздаги нусхаларни кўчирган котиблар асарнинг қандай нусхалардан фойдалангани факти аникланмай қолган ҳамда, афсуски, хозиргача амалга ошган ягона Техрон нашри илмий-танқидий матни ҳам унинг тузувчиси йўл кўйган ана шундай камчиликлар натижасида китобхонлар диққатига анчагина камчиликлар билан хавола этилган. Ваҳолонки, мисол тариқасида биринчи масала бўйича айтадиган бўлсак, асарнинг Тошкент ва Санкт-Петербург кўл ёзма нусхаларини уларнинг барча хусусиятларини ўрганган ҳолда қиёслашимиз жараёни шуни

кўрсатдики, «Мусаххир ал-билод» асари бир нечта ёзма манбалар асосида муаллиф томонидан тугал битилиб, мундарижада кўрсатилган бобларнинг барчаси акс эттирилган холда яратилган. Аммо, ўша тўлик нусха тақдири (худди «Бобурнома»га ўхшаб) ҳозирча бизга маълум эмас Тошкент нусхаси асар ёзилган XVI аср 20-йиллар атрофида номаълум котиб томонидан кўчирилган. Бу нусха кўчирилиши ҳақида унинг ҳозирги ҳолатига қараб, иккита фикр айтиш мумкин. Биринчи фараз шуки, котиб ўз қўли остидаги чала китобат қилинган, яъни боши ва охири йўқ нусхадан фойдаланган. Ёки Тошкент нусхасининг ўзи бизгача дастлабки ва кейинги варақлари мавжуд эмас холда етиб келган. Бироқ, барибир, Тошкент нусхаси котиби ўзи яратган нусхани ноқис бир нусхадан кўчирган, чунки, қўлимиздаги нусха матнининг кўп ўринларида узилиш ҳоллари учрайдики, бунинг Тошкент нусхаси котиби айби билан рўй бермагани аниқ билиниб турибди. Нусханинг биринчи бети хошияси юқори қисмида араб-форс имлосида «Тарихи Шайбоний» сўзлари ёзилган. Хатнинг котиб хатига анча ўхшашлиги бўлса-да, хусниҳат қонуниятига биноан уни бошқа давр котиблари ижодига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин ва шунинг учун бу ёзувнинг қим томонидан битилгани номаълум. Аммо, шуниси аниқки, агар, котиб қўл остидаги нусха ҳам худди ушбу нусха қаби фақат Шайбонийхон ҳаётига доир маълумотларнигина ўз ичига олган бўлса, у холда шу асосда котибнинг ўзи бу номни асарга маъқул кўриб ёзганлиги эҳтимолдан узок эмас. Ёки қўлимиздаги нусхани ўқиган бошқа бирор китобхон ё олим ҳам ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, хошиядаги сўзларни битган бўлиши мумкин. Яна айтиш лозимки, номаълум котибимиз ўз нусхасини кўчириш жараёнида кўплаб имловий хатоларга ҳам йўл қўйган. Аммо, кўринадики, асар қийматини яхши тушунган котиблар унинг тўла нусхаларига эга бўлмасалар-да, асарни борича кўчириб, халққа тақдим этишни маъқул топишган Санкт-Петербург нусхасини кўчирган XVII аср котибининг қўлида ҳам асарнинг тўлик нусхаси бўлмаган ва унинг иши фақат кўчириш бўлгани учун китобнинг Абдуллохонга бағишланган энг катта қисмини кўчиришда дуч келган кемтик ва айқаш-уйқаш ҳамда китобнинг тугалланмай қолган қисм матни бор-йўқлигига сира ҳам эътибор бермаган. Айрим ўринлардаги матнларни тақрорий ҳам кўчирган. Кўринадики, авваламбор, гарчи қўлёзма чиройли унвон ва хошиялар билан безатилган бўлса-да, котиб уни бирон-бир жиддий топширик-буюртма асосида яратмаган ёки шундай эса-да, у ҳам ўз қўл остидаги ўзи кўчираётган қўлёзма асосида бор хатони тақрорлаган ҳамда асарнинг Абдуллохон қисми Хофиз Таниш Бухорий қаламига мансуб «Абдуллохнома (Шарафномаи шохий)» асаридан иқтибос қилинганини билмаган ва ўз нусхасини шу асосда тўлдиришга уринмаган. Ёки буни билса ҳам ўша пайт қўлида мазкур асар мавжуд бўлмаган ёки буни хохламай, борини кўчириш билан чегараланган. Қўлёзмадаги асосий ноқисликлар қуйидаги тарзда юзага чиққан: 19б - 20а бетларда бу ўринда ёзилиши лозим бўлмаган «Ёрмуҳаммад султон ибн Дўстум султон...» ҳақидаги маълумотлар келиб, у яна 21б бетда ҳам ноўрин тақрорланган; 34а бетда узилиш юзага келиб, унинг давоми 38а бетда берилган. Шунингдек, гап ораларида жуда кўп сўзлар тушиб қолган. Техрон нашри тайёрловчиси бундай қамчиликларни топиб, бор ерида Тошкент нусхаси, бу нусхада ҳам йўқ ерида Биноийнинг «Шайбонийнома» ва Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ига мурожаат қилган. Аммо, матнни нашрга тайёрлаш жараёнида Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллохнома» асаридан фойдаланмаган Нодира Жалолий «Мусаххир ал-билод»нинг ана шу китобдан иқтибос қилинган жойларини тўғирлашда ожиз бўлган ва қиши номлари қалқаштирилган ҳамда сарлавҳалар қўйилмаган жуда кўп ўринлардан ташқари мазкур нусханинг 123а бетидаги «Поянда Муҳаммад султон...» бўлимида рўй берган узилиш,

1716 бетдаги матнда 1574 йил воқеалари матни узилишга учраб, шу бетнинг ўзидаёқ 1580 йил воқеаларини камраган матннинг давом этиши,и1756-182а бет матнларининг бир-бири билан айкаш-уйкаш шаклда ўрин алмашгани унинг назаридан четда қолган. Айтганимиздек, қотиб юзлаб сўз, киши номлари саналарни гоҳида алмаштириб, гоҳида эса нотўғри шаклда берган ва нашрга тайёрловчи ҳам уларни худди шу ҳолатда чоп этган. Масалан, «кенгаш» сўзи Қўқалтош, «Дўстум султон» - Рустам султон, «Турдиқахон» исми - наздик ба хон, «Чухраҳойи ўнг ва сўл»(ўнг ва сўл чухралари) сўзлари киши исми ўрнида тушунилиб - Чухрасой Унгсўл, «таарруз» - маъруз, «Хожакат» - хижолат, «Куфийн» -Кукин, «Тоткент» - Тошкент ва х. шаклда эълон қилинган. Бу камчилик ва хатолар ўзбек тилидаги нашрда тўғирлаб, керак .ерида изоҳлар билан тушунтириб ўтилган Бу қўлёзма нусхада асарнинг мундарижада кўрсатилган ке-йинги боблари акс этмаган ва бу борада қуйидагиларни айтиш керак бўлади. Одатда қотиблар ўзлари кўчирган қўлёзма китоб-ларнинг сўнгида ўз исми, кўчирган сана ва жой номи, шунингдек, бошқа аломатлар қўядилар. Бирок, Санкт-Петербург нусхаси бу каби ҳолатга эга эмас, чунки, унинг мавжуд сўнги саҳифаси охириги сатригача матн сўзлари билан тўлдирилган бўлиб, асар матни бошқа варақларда ҳам давом эттирилгани аниқ билиниб турибди. Аммо, унинг яна қанча варақлари ёзилганини айтиш қийин. Яна эслатиш жойизки, бу қотибимиз қанчалик хаттот бўлмасин, у ҳам жуда кўп имло хатоларига йўл қўйган. Қўлёзма хатининг каллигарафик хусусиятларига қараганда, у XVII асрда кўчирилган. Хошияда қелган шу асар маълумотларига яқин бир хабар матни кўчирилган сана эса хижрий 1284/1868-69 йил тарзида кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала қўлёзма нусха хусусиятлари ҳам жиддий ўрганилиб, унинг натижаларидан «Мусаххир ал-билод» асари маълумотлари ва Техрон нашри ҳақида фикр билдириш ҳамда асарнинг таржима матнини ўқувчиларга тўларок етказишда унумли фойдаланилди Мусаххир ал-билод»нинг ўрганилиш тарихи. XIX аср охирида» тузилган Санкт-Петербург кутубхонасидаги Шарк қўлёзма асарлари тавсифида ўша пайтда мазкур кутубхонада сақланувчи «Мусаххир ал-билод» асари нусхасида гарчи асар номи муаллиф томонидан аниқ кўрсатилган бўлса-да, К. Г. Залеман ва В. Розен уни Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллохнома (Шарафномаи шохий)» асаридан кўчирма сифатида қайд этганлар. Яна бир рус толими И. И. Умняков ҳам бу асар ҳақида 1930 йили нашр этган Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллохнома(«Шарафномаи шохий») » асари ва унинг тадқиқотчиларига бағишланган тадқиқотида мазкур тавсиф бўйича сўз юритади. Инглиз шарқшуноси Чарлз Сторининг форс адабиёти намуналарига бағишланган био-библиографик тавсифида ҳам бу асар «Тарихи Шайбоний» номи остида тилга олинади. Табиийки, 1952 йил тузилган ЎзФА Шарқшунослик институти Шарк қўлёмалари фехристи (катологи)да асар мазкур хошия ёзув бўйича «Тарихи Шайбоний» номи остида қайд этилган.

Асарнинг асл номи ва муаллифи ҳақидаги тўғри, тўлақонли фикр дастлаб, аниқроғи, 1973 йили россиялик олима М. А. Салоҳиддинованинг илмий ахбороти орқали эълон қилинди. Муаллиф Санкт-Петербург нусхасини жиддий ўрганиб, «Мусаххир ал-билод» деб аталувчи бу тарихга оид ёзма манбаининг Муҳаммадёр ибн Араб Катаган каламига мансуб мустақил асар экани ҳақида фикр юритди ва унинг «Шарафномаи шохий»дан фарқли томонларини кўрсатиб берди. Шунингдек, бу олима томонидан асарнинг нокис Тошкент нусхаси ҳақида ҳам гапирилиб, унинг тақдирига аниқлик киритилди. Шундан сўнг олима М. Х. Абусеитова 1979 йили ўз илмий ахбороти орқали Муҳаммадёр ибн Араб Катаганнинг «Мусаххир ал-билод» асари Козогистон XVI аср тарихини

ўрганишда мухим манба экани борасидаги фикрларини баён килди.

«Мусаххир ал-билод» асари ва унинг муаллифи ҳамда бу» ёзма манбанинг хар иккала нусхаси хакида илмий карашларини билдирган биринчи ўзбекистонлик олим Бўрибой Ахмедов бўлиб, у ўзининг «Балх тарихи» илмий иши ва шу номдаги китобида «Мусаххир ал-билод» асари маълумотларидан жуда унумли фойдаланди. 1985 йили нашр этган XVI - XVIII асрларда яратилган ёзма ёдгорликлар тавсифига багишланган китобида «Мусаххир ал-билод»нинг Тошкент ва Санкт-Петербург кўлёзма нусхалари, асар мундарижаси тавсифи билан бирга Рўзбехон Исфохонийнинг «Мехмонномаи Бухоро», Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Али Насруллохийнинг «Зубдат ул-осор», Бобурнинг «Бобурнома», Камолиддин Биноий ва Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома»лари ва «Нусратномаи гузида, нусратнома», «Фатхнома», Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр»и, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вакоеъ», Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий», Султон Муҳаммаднинг «Мажмаъ ул-гаройиб», Ахмад Розийнинг «Хафт иклим», Масъуд ибн Усмон Кухистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» ҳамда Хофиз Танишнинг «Абдуллохнома» асарларидан кейин ёзилган «Мусаххир ал-билод»нинг мазкур асарлардан фаркли жихатлари, ундаги айрим маълумотларнинг алохида киймати хакида ноёб маълумотлар хавола этди. Академик Бўрибой Ахмедов мазкур маълумотнома ва «Тарихдан сабоқлар» китобида «Мусаххир ал-билод»ни илмий жихатдан махсус ўрганиш ва ўзбек тилига таржима килиш зарурлигини кайта- кайта таъкидлади.

Таржимон ва олим Исмоил Бекжон ҳам асардаги темурий Мирзо Улугбекнинг кизи Робия султонбегим оркали неваралари хисобланган шайбоний Кўчкунчихон, Севинчхожахон ва улар авлоди хакидаги маълумотларни илмий тахлилдан ўтказиб, ўқувчилар эътиборига хавола килган эди. Шунингдек, эроншунос олим Жалил Хазраткулов «Мусаххир ал-билод»нинг Техрон нашри муносабати билан ўзининг айрим фикрларини билдириб, нашр ютуги ва камчиликлари борасида сўз юритди.

Мусаххир ал-билод»нинг Техрон нашри

«Асар 2006 йили» Техрондаги «Мероси мактуб (Ёзма мерос)» нашриётида Нодира Жалолий мазкур иккита Тошкент ва Санкт-Петербург нусхаси бўйича тайёрлаган илмий-танкидий матн асосида икки минг нусхада чоп этилди. Нашр тайёрловчи мукаддимаси ва шу тузувчи томонидан берилган зарур изоҳлар, оят, хадислар ва уруг-кабила, киши, жой номлари кўрсаткичи ҳамда лугатнома билан таъминланган. Нодира Жалолийнинг асар ва илмий-танкидий матн тузиш тажрибаси юзасидан айтган фикрлари мазкур мукаддида акс этган бўлиб, бу ҳақда айрим фикрларни билдиришга тўғри келади. Нашрга тайёрловчи Нодира Жалолий, авваламбор, «Мусаххир ал-билод» асари хакида кимматли фикрлар билдирган инглиз, рус ва ўзбек олимлари илмий изланишларидан мутлақо беҳабар бўлган ва ўз мукаддимасида бу ҳақда бирон маълумот бермаган. Колаверса, Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр» ва Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома»си «Мусаххир ал-билод» учун асосий манбалардан бўлганини тўғри топгани ва зарур жойларда улардан унумли фойдалангани холда бу асарга яна

Бобурнинг «Бобурнома», энг асосийси, Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллохнома (Шарафномаи шохий)» асарлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат килганидан беҳабар бўлган. Шунингдек, у асарнинг кўлзма нусхалари хусусияти ва маълумотларини чуқур ўрганмаган. Айрим ўринларда эса баъзи маълумотларни бузиб хавола этиш ва уларни нотўғри талкин қилиш йўлидан борган. Натижада, ўзининг ўттиз беш бетлик мукаддимасининг фақат икки бетини асар хусусиятлари (вижагии асар) ва бир ярим бетинигина нашрга тайёрлаш (равиши тасхех) жараёни масаласига қаратган. Мукаддиманинг қолган ўттиз икки саҳифасини эса Эронда чоп этилган эронлик ва ўрта осийлик ўтмиш муаллифлари қаламига мансуб бир қанча ёзма ёдгорликлар ва ҳозирги замон эрон олимларининг маълумот, фикрларини жалб этиш асосида ёзилган сафавийлар ва шайбонийлар, аштархонийлар ўртасидаги муносабатлар тарихига бағишлаган. Мазкур мукаддидада айтилишича, «Мухаммадёр ибн Араб Катаган Абдуллоххон салтанати бошида дунёга келган ва XVII аср бошида вафот этган ҳамда у асарда тасвирлаган воқеаларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрган ва шунинг учун ҳам муаллиф маълумотлари ўз қийматига эга материаллар ҳисобланади. Бу асар XVII аср Урта Осиё форс «тилиси намунаси ҳам бўлиб, сажъ усулида ёзилган Айтиш лозимки, Н. Жалолий шу фикрлари асносида илмий жихатдан ишонарсиз айрим фикрларни ҳам билдиради. Масалан у ёзишича, «Мусаххир ал-билод» матни Биноийнинг «Шайбонийнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Ҳасанбек Румлуниг «Аҳсан ат-таворих» асарларига жуда яқин бўлиб «ё бу китоблар бир манба асосида ёзилган ёки Мухаммадёр ибн Араб Катаган ана шу уч манбадан ҳам фойдаланган. Балки, улар «Мусаххир ал-билод»дан баҳра олишгандир?» Ахир, Биноий 1512 йили, Хондамир эса 1532 йили вафот этган бўлсалар, Ҳасанбек Румлуниг «Аҳсан ат-таворих» асари эса 1572 - 1577 йиллар орасида яратилган бўлса, бу муаллифлар Валимухаммадхон аштархоний даври (1605 - 1611 йй.) воқеаларини ҳам ўз ичига олган, яъни, 1611 йилдан кейин ёзилган «Мусаххир ал-билод» маълумотларидан қандай қилиб фойдаланган бўлишлари мумкин?

Мукаддидада асарнинг Тошкент ва Санкт-Петербург нусхалари ҳақида бор-йўғи иккита сатр ёзилиб, уларнинг бизгача етиб келгани, ҳар иккала кўлзма нусханинг ҳам охири йўқлиги эслаб ўтилади, ҳолос. Кўлзма нусхаларнинг бошқа хусусиятлари ҳақида бирон сўз йўқ (тўғри, айрим жузъий (фикрлар изоҳлар бобида айтилган. Хуллас, «Мусаххир ал-билод»нинг кўп нусхада нашр этилиши, эслатганимиз бир қанча қусурларга қарамай, ўзбек тарихшунослигида ҳам қатта воқеа бўлди.

«Мусаххир ал-билод» асарининг ёзилиши тарихи, тузилиши, мазмуни ва Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамияти

«Мусаххир ал-билод» муаллифи ёзишича, бошқа тарихчилар қаби унинг ҳам асарни ёзишдан мақсади замондошларини ўтмиш воқеалари билан таништириб, омманинг бу борадаги тасаввурини оширишдан иборат бўлган. Мухаммадёр ибн Араб Катаган асар бошида Оллохга ҳамд, ислом пайгамбарига наът ва унинг оиласи, саҳобалари ҳамда авлодига олқиш айтгач, тарих соҳасини улуглашга киришиб, Оллохнинг инсонни барча

мавжудолар ичида аклли ва нотик килиб яратгани, улардан икки гурух кишилар яна ҳам кўпрок бахтни кўлга киритган бўлиб, булардан биринчиси охират, тўғри йўл ва Оллох ризолигини излаб, пайгамбар ва авлиёликка эришгани, иккинчи тойифа мансаб, салтанат ва давлат, жахон неъматлари кетидан юрганлар ҳисобланиб, уларнинг энг яхшилари подшоҳ ва амирликка эришганини эслатаркан, шу сўзлардан сўнг тарих фанига нисбатан баҳосини аниқлаштириб, куйидаги таърифга ўтади: учинчи тойифа эса бу йўлларни кўрмаганликлари учун аъмо - кўриш қобилиятидан маҳрум кишилар саналиб, уларни «омий» дейилади. Омийликдан чиқиш ва биринчи иккита гурух кетидан эргашиш йўли ҳам бор бўлиб, унинг энг афзали илм ўрганиш, айниқса, ўтмишдагилар ҳаётидан огоҳ бўлиш мақсадида «тарих»га назар ташлаш ҳислати саналади. Муаллиф тарих фанига эса куйидагича таъриф беради: бўлиб ўтган фавқуллодда ва нодир воқеа-ҳодисаларни ёзиб бориш ёки илгари ёзилганларни бир мавзу атрофида йигиб, тартибга келтириш тарих илми ишидир.

Мухаммадёр ибн Араб Катаган ёзишича, у ана шу тарих илмидан озгина хабардор киши бўлгани учун ўзи хурмат қилган ҳокон соҳибқирон Абдуллоҳхон тарихини ёзиш мақсадида ўзидан олдинги тарихчилар асарларидан маълумот тўплаб, уларни мамлакат ва шаҳарлар эгалланиши мавзуси остида бир ерда акс эттиришга киришган ва бу асар номини «Мусаххир ал-билод» деб атаган.

Кўринадики, муаллиф асарни, одатга кўра, ўз замонаси ҳукмдорига эмас, балки бир неча йиллар олдин вафот этган шайбоний Абдуллоҳхон ибн Искандархон хотирасига бағишлаган. Асар тузилиш тартиби ва мундарижаси таркиби эса куйидагича: муаллиф ўз мундарижасида асарнинг муқаддима қисми ва олти бобдан иборатлигини айтади.

Асарнинг бизгача етиб келган Муқаддима қисми Дашти Кипчоқдаги кўчманчи халқлар, жумладан, кўчманчи ўзбеклар ҳокони Абулхайрхон ҳаётига бағишланган. Биринчи бобда эса Шайбонийхоннинг отаси Шох Будог султон ибн Абулхайрхон, Шайбонийхон ва унинг фарзандлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Иккинчи боб Шайбонийхоннинг амакиси Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон ва унинг авлоди, Учинчи боб Севинчхожахон ибн Абулхайрхон ва бу хон авлодига бағишланган. Тўртинчи бобда Хожа Мухаммад (Хожагум) султон ибн Абулхайрхон ва ўғиллари, неваралари ҳамда унинг етук ҳукмдор чевараси Абдуллоҳхон ҳаёти ва юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бизгача етиб келмаган Бешинчи бобда эса Абдулмўъмин ибн Абдуллоҳхоннинг тахтга чиқиши ва ўша даврда кечган воқеалар тасвири, Олтинчи бобда Бухоро шаҳри ва бу шаҳар ҳақидаги улуглар таърифи ва бу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган саййидлар, шайхлар ва фозиллар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган экан. Муаллиф режалаштирган мундарижадан билинадики, асар фақат Шайбонийхон ёки Абдуллоҳхон эмас, балки, мамлакатимиз тарихида юрт бошқарган шайбонийлардан барчасининг ҳарбий юришларига бағишланган. Шу сабабли муаллиф ўз асарини ана шу ҳарбий юриш ва юртлар эгалланишига бағишлаб, бундай маълумотларни бир нуктага йигиб ҳавола этади. Айниқса, «Мусаххир ал-билод»нинг шайбоний султонлардан ҳар бири ҳаётига махсус бағишланган алоҳида-алоҳида маълумотлари бошқа манбаларда йўқлиги билан ўз қийматига эга ҳисобланади. Шунингдек, асарда Абдулмўъминхон хонлиги даври воқеаларидан тортиб то Валимуҳаммадхон аштархоний давригача кечган тарихий воқеалар ҳам тилга олинадики, бу ҳақда маълумот берувчи «Мусаххир ал-билод»дан олдин яратилган асарлар номи ҳозиргача тарихшуносларга маълум эмас. Ана шу жиҳатдан ҳам «Мусаххир ал-билод» ўзидан олдин ёзилган бошқа тарихий манбалардан фарқ қилиб, оригинал хусусиятга эга асар экани маълум бўлади. Мухаммадёр ибн Араб

Катаган биографиясига доир кўшимча маълумотлар. Эслатиш керакки, охирги бешинчи ва олтинчи боблар, юкорида айтганимиздек, гарчи муаллиф томонидан ёзилган бўлса-да, асарнинг кўлимизда мавжуд кўлёзма нусхалари оркали бизгача етиб келмаган. Муаллиф хақидаги маълумотнинг ҳам бор-йўги юкоридагича бир нечта сўздан иборат. Бирок, асарнинг куйидаги айрим хусусиятларига назар солсак, унинг тўлик таълиф килингани ва муаллиф хаёти хақида ҳам яна кўшимча маълумотларни қўлга киритамиз. Муаллиф хар бир хон ва султон хақида махсус бўлимларда тўхталар экан, улар хаётининг сўнгги дамларигача, хатто, улар номи билан боглик кейинги давр воқеаларига кадар хикоя килади. Масалан, Абдулгаффор султон бўлимида, унинг Абдуллоххон буйруги билан 1578 йили ўлдирилгач, Абдулмўъминхон бузуглигидан сўнг, Бокимухаммадхон даври бошида туркистонликлар мангит элидан Абдулгаффор султонга ўхшаш бир кишини мазкур султон деб, Тошкент тахтига чиқарганлар. Демак, бу воқеа 1603 йиллари содир бўлган. Ёки Валимухаммадхон даврида аштархонийларга карши курашган шайбоний Жахонгир султоннинг Балх хокими Надрмухаммадхон томонидан ўлдирилиши маълумотини олайлик. Маълумки бу воқеа 1608 йили рўй берган. Муаллиф ёзишича, Валимухаммадхон даврида коракалпок халки Кўчкинчихон авлодидан Шайхим султонга ўхшаш кишини топиб, козок хонларига уни мазкур Шайхим султон деб таништиришган, калбаки султон бошлик кишилар бир неча бор Самаркандга боскин-чопкин уюштирганлар. Булардан кўринадики, Абдуллоххон даврида тугилиб, вояга етган, шу хон вужудга келтирган тинч турмуш шарофатидан ўкиб камол топган муаллиф Валимухаммадхон вафот этган 1611 йилдан кейин, аникроги, Имомкулихон хукмронлиги даврида ҳам хали хаёт бўлган. Агар Абдуллоххон даврини унинг Бухорони қўлга киритган 1557 йиллардан бошлаб хисобласак, демак, Мухаммадёр ибн Араб Катаган 1560 - 1570 йиллари орасида тугилган бўлиб чиқади. Асар ёзилган 1611 йиллари эса .50-55 ёшларда бўлган.

Энди асарнинг тугал ёзилгани хақида. Муаллиф, авваламбор, Абдуллоххоннинг бобоси Жонибек султоннинг 1598 йил июнигача тирик бўлган ва Абдулмўъминхон томонидан ўша йили катл этилган авлодларига багишлаган қисмларда бу мудхиш воқеалар баёини тўлик келтиради. Колаверса, муаллиф Абдуллоххон бобига муфассал киришишдан олдин бир бобча очиб, унда Абдуллоххоннинг тугилгандан то вафот этган 1598 йил 8 февралгача даврда кечган юришларини саналарини кўрсатган холда хикоя килади. Ана шундан сўнггина китобнинг Абдуллоххон хақидаги иккинчи катта бўлими бошланади. Демак, муаллиф бу хон даврини олти бетда мужассам килган ва Абдулмўъминхон даврини ҳам ўрни-ўрни билан кўп марта жуда аник эслатган экан, албатта унинг кейинги бобларини ҳам тўла ёзган деган хулосага келишимиз мумкин. Айтганимиздек, асарнинг тўлик нусхаси бизгача етиб келмай, хозирча унинг нокис кўчирилган нусхаларидангина бахраманд бўлиб турибмиз.

«Мусаххир ал-билод»нинг манбалари. Биламизки, Мухаммадёр ибн Араб Катаган каламга олган Шайбонийхон билан боглик воқеалар «Мусаххир ал-билод» ёзилган давргача Шайбонийхон топширигига биноан ёзилган «Таворихи гузида, нусратнома», Мулло Шодийнинг «Фатхнома», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Рузбехон Исфохонийнинг «Мехмонномаи Бухоро», Абдуллох ибн Мухаммаднинг «Зубдат ал-осор», Хондамирнинг «Хабиб ас-сияр», Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома», Масъуд ибн Усмон Кухистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Восифийнинг «Бадоеъ ал-вакоеъ», Мухаммад Хайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарлари ёзилган ва уларнинг кўлёзма нусхалари Ўрта Осиё халклари орасида кенг

таркалган эди. Хофиз Таниш Бухорийнинг Абдуллоххон даврининг 1589 йилгача вокеаларини камраган «Абдуллохнома (Шарафномаи шохий)», Хофиз Мукумий Бўстонхоний Самаркандийнинг назмдаги «Зафарнома» каби тарихий асарлари ёзилган эди. Бўрибой Ахмедов хакли равишда таъкидлаганидек, асарнинг 1510 йилгача маълумотлари «Хабиб ас-сияр», «Бобурнома», «Шайбонийнома» (Биной), «Таворихи гузида, нусратнома» ва бошқа асарлардан иктибос килинганига карамай, унинг биринчи бобидаги айрим маълумотлари бошқа асарларда учрамайди. Иккинчи, учинчи бобдаги Кўчкунчихон, Севинчхожахон ва улар авлодларига багишланган, тўртинчи бобнинг Хожа Мухаммад султон ва авлодларига оид маълумотлар эса алохида-алохида берилгани ва бошқа асарларда бу каби яхлит шаклда берилмагани билан оригиналлик касб этган. Айникса, асарнинг Абдуламинхон ибн Ибодуллох султон ибн Искандархонга багишланган бўлими маълумотлари ўқувчида кизиқиш уйғотиши турган гап. Чунки, бу воқеа Абдулмўъминхон ўлимидан кейин 1598 йил кузида содир бўлиб, муаллиф ёзишича, Самаркандда 1589 йили оламдан ўтган Ибодуллох султоннинг хотини Жахон султон бегим бинт Кепак султон Балхда 17-18 яшар йигитни ёнидаги амирларга эри Ибодуллох султоннинг кейинги киргинлардан яширинишга мажбур бўлган ўгли сифатида таништириб, шайбонийлар тахтига даъвогарлигини айтади, Абдуламин исми бу йигитни Балхда давлат тахтига ўтказадилар. Баъзилар эса унинг султонзода эканига ишонмай, хон ўрнида тан олмайдилар. «Мусаххир ал-билод»да ёзилишича, аммо, унинг шижоат ва донолик каби хислатларини кўрган киши албатта шохзодалигини тан олмасдан иложи йўқ экан. Бу муаллиф сўзларими ёки Абдуламинхонни яқиндан билган бошқа муаллиф таърифими? Мутрибий хам 1626 йил ёзган «Нусхайи зебойи Жахонгир» тазкирасида Абдуламин султон борасида айнан шу сўзларни келтиради.

Абдуллоххонга багишланган катта бўлим К. Г. Залеман ва бошқа олимлар таъкидлагани каби «Абдуллохнома (Шарафномаи шохий)»дан изчил равишда иктибос килинган эса-да, бу маълумотлар муаллиф томонидан мохирлик билан ихчам холатга келтирилган. Айтганимиздек, «Мусаххир ал-билод» маълумотлари орасида Абдулмўъминхон ва Бокимухаммадхон, Валимухаммадхон даврига оид хабарлар учраши, демак, муаллифнинг бошқа манбага мурожаат қилгани ёки уларни ўзи асарга киритганидан дарак беради. Чунки, «Шарафномаи шохий» 1587 йил воқеалари билан тугаган. Мутрибий «Тазкират уш-шуаро», «Нусхайи зебойи Жахонгир» тазкираларида кўрсатишича «Хофиз Таниш Бухорий Абдуллоххоннинг воқеанависи (яъни хон давлатида юз берган воқеа-ходисаларни ёзиб боровчи тарихнавис) бўлган, ёзган воқеаларини Тошкент фатхи, хатто, Хуросон ўлкаларидан айримлари эгалланишигача етказган, аммо, уни тугатмасдан, Абдуллоххон даврида вафот этган, асарни тугатишни эса кози Поянда Зоминийга топширганлар, бироқ унинг хам бу китобни охиригача ёзгани Мутрибийга маълум эмас» экан. Бизнинг аниқлашимизча, Хофиз Таниш Бухорий 1592 йили вафот этган ва «Шарафномаи шохий» уч тахрирга эга: биринчиси 992 хижрий (1584) йили, иккинчиси, 995 хижрий (1587) йили ва учинчиси 998 хижрий (1589 - 1590) йили тугалланган.

Кизиги шундаки, «Мусаххир ал-билод»нинг муқаддимадаги олқиш қисмлари хам «Шарафномаи шохий» муқаддимаси гапларининг қискарган шаклидек кўринади хамда, агар, Хофиз Таниш Бухорий тузган режа бўйича «Абдуллохнома»нинг Хотимаси Абдуллоххоннинг яхши хислатлари ва унинг замонида яшаган улуг шайх, уламо, қурилган иморатлар баёнини камраб олиши керак бўлса, Мухаммадёр ибн Араб Катаган хам Бухоро ва унинг авлиё, уламо ва фозилларига багишланган боблар очган ва «Мусаххир

ал-билод»нинг Кўлоб вокеаларидан кейин, аникроги, бизгача етиб келган кўлэзма нуханинг охирги узилишга учраган бетидеги «Мусаххир ал-билод»нинг ушбу янги боби [сохибкирон хон Абдуллоххоннинг] дўсту ёрон ва ўз халкига меҳрибонлиги, душманларга шафкатсизлиги хислатлари баёнини «з ичига олади» сингари сарлавха «Мусаххир ал-билод»да ҳам Абдуллоххоннинг яхши хислатлари хусусида гапирилиши керак бўлган қисм борлигини аниқлаб турибди. Демак, Мухаммадёр ибн Араб Катаган «Абдуллохнома»ни ўз иши учун энг мўътабар манба сифатида билган.

Хуллас, кўрганимиздек, «Мусаххир ал-билод» ўзига хос усулда ёзилган тарихий асар бўлиб, ундаги маълумотлар айрим ўринларда такрорий бўлса-да, уларнинг муаллиф томонидан ихчам тарзда бир ерга йигиб берилиши, айрим маълумотларнинг эса бизгача етиб келмаган манбалардан иқтибос қилингани ёки муаллифнинг ўзи томонидан қиритилгани, қолаверса, бу асар кўлэзма нухаларининг қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиши унинг ўша давр тарихчилиги ривожига кўшган хиссаси ва ватанимиз тарихшунослигида тутган муносиб ўрнини кўрсатади.

Энди ушбу ўзбекча нашрнинг айрим хусусиятларига келсак. Асарнинг Абдуллоххон давригача бўлган қисмини Исмоил Бекжон таржима қилиб, шарҳ ва изоҳларини берган. Қолган қисмининг таржимони, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Дилором Сангилова. Муаллифлар матннинг асл нусхадан кўчирмаси хавола этилмаётгани учун кўлэзмалар ва нашр нухалари варақларини кўрсатиб боришни лозим топмаганлар. Ҳозирги кунда ўқувчиларимизга жуда кўп тарихий шахс ва жой номлари, ўтмиш воқеалари ҳақидаги маълумотлар чоп этилган ёзма манбалар ва қомусий кўп жилдликлар, махсус тўпламлар ҳамда тарих ва адабиётга оид дарсликлар орқали яхши таниш бўлгани сабабли уларнинг ҳаммасига ҳам изоҳ берилмаган. Нашр шахслар, унвон ва мансаблар, этник ва жуғрофий номлар кўрсаткичи билан таъминланди.

Ишонамизки, кўлингиздаги ўзбекча нашр ҳам мамлакатимиз халқлари тарихи ҳақидаги тасаввурингизни яна ҳам бойитишга хизмат қилиб, асарнинг кенг илмий муомалага олиб қиритилиши ва тарих фанидан қўлланма, дарсликлар тузишда қўл келади.

Шодмон ВОХИДОВ Исмоил БЕКЖОНОВ Дилором САНГИРОВА